

Пластик картага маош тушса

11:14 / 27.07.2018 3818

Савол:

Ассалому алайкум! Пластик картага менга боғлиқ бўлмаган ҳолда мен учун ҳалол бўлмаган пул келиб тушган. Шу пулни ҳақ эгаларига қайтаргунимча ойлик маошим тушса ва мен фақат ойлик қисмини ишлатсам бўладими?

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Бўлади. Бўлишига сабаб, пул шаръан тайин топмайди. Масалан бир кишига сотиб олган нарсангиз эвазига 100 сўмни кўрсатиб, иккита 50 сўмлик берсангиз ҳам бўлади. Валлоҳу аълам!